

1-26-2020

## ABOUT THE LANGUAGE OF THE WORK «GULISTONI BIT-TURKIY»

Yakub Siddikovich Saidov

*associate professor of uzbek linguistics department, doctor of philological sciences (DSc), BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

---

### Recommended Citation

Saidov, Yakub Siddikovich (2020) "ABOUT THE LANGUAGE OF THE WORK «GULISTONI BIT-TURKIY»," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 1 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss1/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 81.1.811.512.133.81.112

## «ГУЛИСТОНИ БИТ-ТУРКИЙ» АСАРИНИНГ ТИЛИ ХУСУСИДА

## О ЯЗЫКЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «ГУЛИСТОНИ БИТ-ТУРКИЙ»

## ABOUT THE LANGUAGE OF THE WORK «GULISTONI BIT-TURKIY»

**Саидов Ёқуб Сиддиқович***БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари доктори (DSc)***Saidov Yakub Siddikovich***associate professor of uzbek linguistics department, doctor of philological sciences (DSc), BSU*

**Таянч сўзлар:** умумтуркий сўзлар, қадимги туркий сўз, ўзлашган сўзлар, диалектал лексика, синоним, омоним, антоним, метафора.

**Ключевые слова:** общетюркские слова, древнетюркское слово, заимствованные слова, диалектная лексика, синоним, омоним, антоним, метафора.

**Key words:** general Turkic words, old Turkic word, borrowed words, dialectic words, synonym, homonym, antonym, metaphor.

*Мақолада XIV асрнинг муҳим ёзма манбаларидан бири Сайфи Саройининг "Гулистонс Бит-Турклар"нинг баъзи лексик-семантик ва лингвистик-шеърӣ хусусиятлари ўрганилган. Шунинг таъкидлаш керакки, ўзбек адабий тили тарихида муҳим рол ўйнайдиган ушбу ёзма манбаининг лингвистик хусусиятлари, истеъдодли шоир ва таржимон Сайфи Саройининг ўзбек адабий тили ривожига қўшган ҳиссаси деярли ўрганилмаган. Ўзбек тилшунослиги. Шоир ижодини турли жабҳаларда ўрганиш нафақат ўзбек тилшунослиги, балки туркшунослик учун ҳам муҳимдир.*

*В статье исследуются некоторые лексико-семантические и лингвистико-поэтические особенности одного из важных письменных источников XIV века «Гулистоны бит-туркы» Сайфи Саройи. Следует отметить, что лингвистические особенности этого письменного источника, играющего важную роль в истории узбекского литературного языка, вклад талантливого поэта и переводчика Сайфи Саройи в развитие узбекского литературного языка практически не изучались. Узбекское языкознание. Изучение творчества поэта в различных аспектах важно не только для узбекского языкознания, но и для тюркологии.*

*The article investigates some lexical-semantic and linguistic-poetic peculiarities of one of the important written sources of the XIVth century "Gulistony bit-turkiy" by Sayfie Saroyi. It should be noted that the linguistic features of this written source, which plays an important role in the history of the Uzbek literary language, the contribution of the talented poet and translator Sayfi Saroyi in the development of the Uzbek literary language have hardly been studied in Uzbek linguistics. The study of the poet's work in various aspects is important not only for Uzbek linguistics, but also for Turkology.*

**Кириш.** «Гулистони бит-туркий» асарининг муаллифи Сайфи Саройи бўлиб, у 1321 йилда хунарманд-қуролсоз оиласида туғилган. Унинг туғилган жойи масаласида турли фикрлар мавжуд. Тадқиқотчиларнинг бир қисми – аксарияти десак ҳам хато бўлмайди – унинг Хоразм вилоятининг Қамишли (Сариқамиш) қишлоғида туғилганлигини айтишади. Бироқ Қамишли номи қишлоқлар Волга дарёси бўйида кўп учрашини эътиборга олиб, уни шу қишлоқлардан бирида туғилганлигини тахмин қиладиган айрим тадқиқотчилар ҳам йўқ эмас.

Аёнки, Сайф назарда тутилган шоирнинг номидир. Бу сўз арабий бўлиб, икки маънода, яъни ёзма мавсуми ва қилич маъноларида қўлланилади [3, 541]. Илмий адабиётларнинг кўпчилигида шоирнинг исмига сайф сўзининг иккинчи, яъни қилич маъноси асос қилиб олганлиги айтилади. Сайфи Саройининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар жуда оз. Мавжуд маълумотларда келтирилишича, шоир дастлабки билимини ўз юртида олади. Сўнгра билим олиш ва илм ўрганишни Олтин Ўрда давлатининг асосий сиёсий маркази Сарой шаҳрида давом эттиради. Сайфи Саройининг

## TILSHUNOSLIK

мазкур давлат ва шаҳарда бўлган даври унинг ҳаётида энг самарали йиллар бўлди. У шу давлатда ижод билан жиддий шуғулланишни бошлади ва халқ орасида истеъдодли шоир сифатида танилди. Эслатиб ўтиш ўринлики, шоир шу ерда яшаб турган даврида илк марта «Саройи» деган тахаллусни олди.

Маълумки, Олтин Ўрда давлатига XIII асрнинг 40-йилларида Жўжихоннинг ўғли Ботухон томонидан асос солинган. Мазкур давлат таркибига дастлаб Хоразм ва Шимолий Кавказ ҳудудлари кирган. Кейинчалик Ботухон Дашти Қипчоқ, Қрим, Ғарбий Сибирни Олтин Ўрда давлатига қўшиб олган. Рус князлари бу давлатга қарам бўлиб, хирож тўлаб турганлар. Рус манбаларида Олтин Ўрда (Золотой Орды), Шарқ манбаларида Жўжи улуси деб аталган ушбу давлат XVI аср бошларида тугатилади. Унинг маркази Сарой шаҳри тарихий ёдномаларда Саройботу, Катта сарой, Янги сарой номлари билан юритилган. Шаҳар XIV аср охирида Олтин Ўрда хонларининг ўзаро кураши ва Амир Темурнинг юриши натижасида қаттиқ шикастланган. У 1480 йилда узил-кесил вайронага айланган. Шаҳар харобалари ҳозир Астрахан вилояти Харабали туманида сақланиб қолган. Сайфи Саройи яшаган даврда Марказий Осиёда, чунончи, Олтин Ўрдада мўғуллар истилоси натижасида турли уруш ва низолар авжига чиқади. Шу сабаб шоир ўз ватанини тарк этишга, умрининг кўп қисмини юртдан узоқда, дарбадарликда ўтказишга мажбур бўлади. У дастлаб Эронга, кейин Туркияга боради. Умрининг охирида Мисрга бориб, Искандарияда тахминан 1396 (ёки 1398) йилда вафот этади.

**Асосий қисм.** Сайфи Саройининг адабий мероси – ўндан ортиқ ғазал, қасида, қитъа, рубоий ва маснавийлари, «Суҳайл ва Гулдурсун» (1394) достони, «Гулистони бит-туркий» (1390-1391) асари бизгача етиб келган. Шоирнинг «Гулистони бит-туркий» асари катта адабий ёдгорлик, қадимги туркий тилни ўрганишда муҳим манбадир. Унинг ягона қўлёзмаси Голландиядаги Лейден университети кутубхонасида (инв. №1355) сақланади. Бу қўлёзманинг фотонусхаси Москва ва Тошкентда мавжуд. «Суҳайл ва Гулдурсун» достони қўлёзмаси эса Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади.

Сайфи Саройи ижодида «Гулистони бит-туркий» асари муҳим ўрин тутди. Шоир 1390-1391 йилларда Мисрда Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарини форс тилидан ўзбек тилига биринчи бўлиб эркин таржима қилиб, нисбатан янги, фалсафий-ахлоқий «Гулистони бит-туркий» асарини яратади. Таржима жараёнида Сайфи Саройи «Гулистон»даги айрим парчаларни тушириб қолдиради, баъзи шеърларни ижодий қайта ишлайди.

Маълумки, Саъдий Шерозий (1203-1292) Шарқда Шайх Саъдий номи билан машҳур бўлган. Унинг ахлоқий-таълимий руҳдаги «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари асрлар давомида мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келинган. Айтилганидек, мазкур асарни дастлаб, Сайфи Саройи ўзбек тилига таржима қилади. Ундан кейин асарни XIX асрда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз топшириғи билан Муҳаммадризо Огаҳий таржима қилади. Учунчи таржимаси 1909 йилда тошкентлик шоир ва мударрис Мулло Муродхўжа Солиххўжа томонидан амалга оширилади. Тўртинчи таржима эса 1968 йилда босилиб чиқади. Бу таржима Ғафур Ғуллом, Шоислом Шомухамедов ва Рустам Комиловлар қаламига мансубдир. Мазкур таржималарнинг барчаси Э. Очилов томонидан 2007 йилда нашрга тайёрланган Саъдий Шерозийнинг «Ҳикматга тўла олам» китобидан ўрин олган [4].

Сайфи Саройи мазкур асар таржимасида ўзига хос йўл танлайди. У Саъдий Шерозий асарининг асосий мазмунини олиб, уни ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тафаккури ва руҳини, турмуш тарзини акс эттирувчи янги ҳикоятлар, қитъа ва байтлар билан тўлдиради. Асар Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асари каби 8 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобда ҳикоятлар берилган. Бобларнинг номланиши қуйидагича: 1-боб «Султонлар ҳақидаги ҳикоятлар», 2-боб «Ғафурлар ахлоқи ҳақидаги ҳикоятлар», 3-боб «Қаноатнинг фойдаси ҳақидиги ҳикоятлар», 4-боб «Сукутнинг фойдаси ҳақидаги ҳикоятлар», 5-боб «Ишқдаги йигитлик сифати ҳақидаги ҳикоятлар», 6-боб «Қариликдаги заифлик сифатлари ҳақида», 7-боб «Тарбиянинг таъсири ҳақида», 8-боб «Суҳбат одоблари ҳақида».

Ҳикоятларнинг аксарияти дидактик мазмунга эга бўлиб, тарбиявий аҳамият касб этади. Шоирнинг панд-насихатлари моҳиятини адолатпарварлик, тўғрилиқ, ростгўйлик, ватанпарварлик, одамийлик, дўстлик, мардлик, вафодорлик ва садоқат каби инсоний

## TILSHUNOSLIK

ғоялар ташкил этади. Шоир шу эзгу ғоялари билан мамлакатда адолат ва осойишталик ўрнатиш, зулумпарвар подшо ва амалдорларни инсофга чақириш ҳамда кишиларни яхшиликлар томон йўналтиришга эришмоқчи бўлади. Шу мақсадда, юқорида қайд этилган, адолатпарварлик ва одамийлик каби инсоний ғояларни асарларида кенг тарғиб этади.

«Гулистони бит-туркий» асари тилида умумтуркий сўзлар кўпчиликни ташкил этади ва улар асосий луғавий қатлам сифатида намоён бўлган. Улар жумласига *буғдой, юрт, мен, эл, сўз, бир, иш, эр, киши, тупроқ, қари, қул, оқ, тўғри, йўл, оғиз, янги, ой, қош, кўрк, бой, ит, кўнгул, олтин, тош* кабилар киради. Бу каби лексик бирликлар ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланади ва уларнинг мазмунини изоҳларсиз тўлиқ тушуниш мумкин.

Мисол:

Синдирур бўлса уриб олтин қадахни катта тош,  
Синмас олтин қиймати, ортмас баҳоси тошнинг [4, 131].

Байтдаги *май ичиладиган идиш, жом* маъносини ифодалаган арабий *қадах, нарх, қиймат* мазмунида қўлланган форсий *баҳо* ва шу сўзнинг синоними арабий *қиймат* сўзларидан бошқа барча луғавий бирликлар умумтуркийдир. Бу шоир асарларида умумтуркий сўзлар муҳим ўрин тутиши ва салмоқли миқдорни ташкил этиши тўғрисида билдирилган фикрни далиллайди. Сайфи Саройи асари тилида умумтуркий *эр* сўзи жуда кўп ўринда қўлланган. Эътиборли томони шундаки, шоир *эр* сўзини *эркак жинсига мансуб киши* маъносидан кўра, *кўпроқ киши, кимса, одам, инсон* маъноларида қўллайди.

Мисол:

Ёмонға эйгулук қил, эй сахий эр,  
Саодат эйгуларга бўлди йўлдош [4, 134].

Мазмуни: эй, сахий инсон, ёмонга ёмонлик қилма, аксинча, ёмонликка яхшилиқ билан жавоб қайтар, ёмон кишиларга эзгуликлар қил, чунки эзгулик қилган кишига саодат ҳар доим йўлдош бўлади, бундай киши бахтли бўлади. Англашиладики, байтдаги умумтуркий *эр* сўзи *инсон, киши* маъносида қўлланган.

Асар тилида қадимги туркий сўзлар ҳам анча кўп миқдорда учрайди. Улар жумласига *ёзуқ* (гуноҳ, айб), *эв* (уй), *йўқсул* (камбағал, қашшоқ), *кимарса* (кимса, киши), *қатинда* (ёнида, қошида), *аёқ* (қадах, коса, жом), *ал* (қўл), *дағи //доғи* (яна, тагин, ҳам, ҳамда), *тамуг* (дўзах, жаҳаннам; ўт, олов), *бўйла* (бундай, бунақа, бу хил, бу каби, шунчалик), *эрдам* (фазилат, қудрат), *кунаш* (кўёш), *эйгу* (эзгу), *дегул* (эмас), *бийик* (буюк, улуг; баланд, юксак, олий), *текма* (ҳар бир, ҳар қайси), *соғ* (ўнг томон), *суфра* (дастурхон), *бикин* (каби, сингари, ўхшаш), *ўтмак* (нон), *билик* (билим, ақл) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Мазкур сўзлар шоир яшаган даврда фаол истеъмолда бўлган, ўзбек адабий тилининг кейинги тараққиёт босқичларида эса улар турли сабабларга кўра адабий тил таркибидан чиққан. Лекин уларнинг маълум қисми туркий тил ва шеваларда қўлланишда давом этмоқда.

Аёнки, қадимги туркий тилда *алчақ//алчоқ* сўзининг *юмшоқ табиатли, ёқимтой, камтар* маъносида ифодаланишини Махмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” [2, I. 126] асарида изоҳлаган. Мазкур сўз «Гулистони бит-туркий» асарида ҳам шу маънода келган:

Эр керак кўнгли кинадан холи,  
Ўзи алчоқу ҳиммати олий [4, 127].

Ушбу сўз ўзбек тилининг ўғуз шевалари ва қирғиз тилида *алчақ*, туркман тилида *алчак*, турк ва озар тилида *алжак* тарзида ифодаланади. Эътиборли томони шундаки, мазкур сўз ҳозирда айрим тил ва шеваларда ижобий, баъзи тил ва шеваларда эса салбий маънода қўлланилади. Масалан, ўзбек тилининг ўғуз шеваларида *чаққон, қобилиятли, уздабурон*; қирғиз тилида *ювош*; туркман тилида *одобли, юмшоқ табиатли* каби ижобий маънони англатса, турк ва озар тилида *паст, разил, қабиҳ* каби салбий маъноларни билдиради [6, 61]. Изоҳ сифатида айтиш мумкинки, ушбу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида *ўтакетган разил, паст; ёвуз, номард, хоин* [5, I. 120] каби маъноларда қўлланилади.

«Гулистони бит-туркий» асари тилида ўғуз тиллари ва шеваларига хос айрим хусусиятлар акс этган. Бунга мисол сифатида жўналиш келишигининг *-на* шаклида (*бўйина, юзина* каби), *кўп* сўзининг *чўқ*, *илон* сўзининг *йилон*, *бўл* феълининг *ўл* тарзида қўлланганини айтиб ўтиш мумкин. Оҳангдошлиқ ҳодисаси шоир асарлари тилида ўз ифодасини топган: *кўнгул* (кўнгил), *юзунг* (юзинг), *ўлум* (ўлим) каби.

## TILSHUNOSLIK

Айтилганидек, асар тилида қўлланган айрим сўзлар ҳозир ҳам ўзбек тилининг шеваларида, чунончи, Хоразм шевасида фаол қўлланилиб келмоқда. Бунга мисол тарзида улу (улуғ, катта ёшдаги одам) сўзини айтиш мумкин.

Мисол:

Кичиликда адаб ўрганмаган эр,  
Улу бўлса, бил, андин хайр келмас [4, 126].

Мазмуни: кичикликда, яъни ёшлиқда одоб илмини ўрганмаган киши, билгилки, ёши катта бўлиб, қариганда ҳам у одобли бўлмайди, бундай кишининг қўлидан бошқаларга яхшилик ва эзгуликлар қилиш келмайди. Шоир айтмоқчи, одоб-ахлоқ илмини ёшлиқдан ўрганиш керак. Мазкур сўз Хива ва Урганч шеваларида ҳозирда *уллы* //улли(улуғ, катта ёшдаги одам) тарзида қўлланилади [7, 268].

Асар тилида татар тилига хос айрим сўзлар ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида *кўгарчин* (кабулар) сўзини айтиш мумкин. Мазкур сўз ўғуз шеваларида *гаваржин*, туркман тилида *гаваржин*, бошқирд тилида *кугарсин* тарзида қўлланилиб, у *эввойи каптар* маъносини билдиради.

Асар тилида *-лик* // *-лук*, *-ли* қўшимчалари асосида ясалган сўзлар кўп учрайди: *ямонлик* (ёмонлик), *эрлик* (кишилик), *кичилик* (кичиклик, ёшлик), *эйгулук* (эзгулик), *масла-ҳатли* каби. Мисол: *Ямонлик қилган эрга, эйгулук қил*. Мазкур қўшимчаларнинг янги сўз яшаш имконияти кенг, фаоллик даражаси эса юқори бўлган. Эътиборли томони шундаки, сўзларнинг таркибида, хусусан, охириги бўғинида лаб унлиси бўлган сўзларга *-лук* шакли қўшилган. Бундан шуни англаш мумкинки, шоир асарлари тилидаги *эйгулук* мисолида оҳангдошликнинг лаб уйғунлиги кўриниши ҳам мавжуд бўлган. Изоҳ сифатида айтиш мумкинки, бу қўшимча, яъни *-лук* воситасида мавҳум маънони ифодаловчи от ясалган.

«Гулистони бит-туркий» асари тилидаги ўзлашма қатлам сўзлари, чунончи, арабий ўзлашма лексик бирликларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади. Бунда сўзлар жумласига *ватан*, *жабр*, *содиқ*, *расм*, *лутф*, *фақир*, *шоир*, *булбул*, *васф*, *вазн*, *санъат*, *ошиқ*, *умр*, *маслаҳат*, *вафо*, *давлат*, *меҳнат*, *илм*, *насиҳат*, *халқ*, *одам* кабиларни айтиш мумкин. Айрим изоҳталаб, эскирган арабий сўзлар ҳам бор.

Масалан: *мунодий* (хабарчи, жарчи), *тахаммул* (сабр, бардош, чидам), *ақраб* (чаён), *фоний* (ўткинчи, йўқ бўлувчи), *адам* (йўқлик), *Мавло* (Худо; соҳиб, сарвар), *қавл* (сўз, гап), *ашъор* (шеърнинг кўплиги), *мунажжас* (нопок, ифлос), *тафарруж* (томоша қилиш, кўнгил очиш), *фазиҳат* (ёмонлик, расволик, шармандалик), *қавий* (кучли, бақувват), *уқбо* (охират, нариги дунё) ва бошқалар.

Мисол:

Васфина Сайфи Саройининг иши *ашъор* эрур,  
Андин ўзга бирла ошиққа емак ош, ор эрур [4, 121].

Араб тилига тегишли сўзларнинг аксариятини маърифат, дин, ахлоқ-одоб ва адабиётга оид сўзлар ташкил этади. Айниқса, диний тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар миқдори нисбатан кўп.

Асар тилида эроний (форс-тожик) тиллардан ўзлашган *жаҳон*, *бенишон*, *гуноҳ*, *дилшод*, *озод*, *гадой*, *гулшан*, *боғ*, *зоғ* (қарға), *дилбар*, *чеҳра*, *гулзор*, *шакар*, *рост*, *дониш* (билим, маърифат), *рафиқ* (дўст, ҳамроҳ) каби лексик бирликлар ҳам қўлланган. Мисол:

Су ичканда дудоғингдан су томса,  
Битар қанду *шакар* ул ерда дойим...[4, 135].

Ушбу байтда *шакар* сўзи форсий ўзлашма бўлиб, у арабий *қанд* сўзи билан синоним тарзида қўлланган. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, шоир асарлари тилида мавжуд форсий тилга тегишли ўзлашма сўзлар турли соҳаларга оид бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳозир ҳам изоҳларсиз тушуниш мумкин.

«Гулистони бит-туркий» асари тилида кўп миқдорда бўлмаса ҳам айрим жой номлари – топонимлар учрайди. Улар қуйидагилар:

*Қамишли*, *Хитой*, *Чин*, *Ҳижоз* (Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган ҳудуд), *Каъба* ва *Шом* (Сурия) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Келтириб ўтилган жой номларидан айримлари, чунончи, Чин, Шом кабилар ҳозир истеъмолда эмас. Асарда маълум миқдорда киши исмлари – антропонимлар ҳам қўлланган. Уларни қуйидаги гуруҳлар бўйича тасниф этиш мумкин:

1) пайғамбарлар номи: *Исо* (Исо алайҳиссалом), *Халил* (Иброҳим алайҳиссалом);

2) адабиётда тимсол бўлган шахслар номи: *Қорун* (ҳасисликда ном чиқарган шахс, Шарқ адабиётида ҳасислик тимсоли ҳисобланади); *Нўширавон* (Ануширвон, Эрон шоҳи, Шарқ адабиётида адолат рамзи ҳисобланади);



## TILSHUNOSLIK

3) бадий асарлар қаҳрамони номи: *Рустам* (“Шоҳнома” асари қаҳрамони), *Мажнун*, *Лайли* (“Лайли ва Мажнун” достони қаҳрамонлари);

4) ҳукмдор ва шоирлар номи: *Фаридун* (Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдори); *Ҳожа Исҳоқ* (шоир Ҳожа Исҳоқ Хоразмий).

Шоирнинг мазкур киши исмлари – *Исо*, *Қорун*, *Нўширавон*, *Рустам*, *Мажнун*, *Лайли* кабиларни асарида келтиришидан мақсади, ушбулар воситасида чуқур ва аниқ маънони ифодалашдир. Аёнки, адабиёт илмида бундай бадий санъат талмеҳ деб аталади. Талмеҳ ижодкорга тарихий ё афсонавий воқеаларга, машҳур асарлар ва қаҳрамонлар образига ишора қилиш ва шу йўл билан ўз фикрини мўъжаз ҳолда кучайтириш учун имконият туғдиради [1, 199].

Шоир асарини ўқимишли ва таъсирли қилиш учун турли тасвирий восита ва бадий усуллардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган. У асарида синоним, антоним, омоним, ўхшатиш ва метафораларни қўллаб, ўзига хос бадий санъат намуналарини яратишга уринган. «Гулистони бит-туркий» асари тилида *ватан-юрт*, *ёзуқ-гуноҳ*, *тўғри-рост* каби айрим синонимлар қўлланган: *Ўсиб тупроғим узра найзалар, мен эвдин айрилдим, Ватандан бенишон ўлдимда, ўзга юртга эврилдим*. Аёнки, тарихий-этимологик қатламига кўра *ватан* сўзи арабий, *юрт* сўзи эса умумтуркийдир. Мазкур маънодош сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланилиб келмоқда.

Асар тилида антоним сўзлар нисбатан кўпчиликини ташкил этади. Сайфи Саройи ижтимоий-сиёсий даврнинг зиддиятларга тўла воқеликларини ҳамда маърифат ва жаҳолат, эзгулик ва ёмонлик ўртасидаги ўзаро абадий курашни ёрқин, таъсирли ифодалаш учун мазкур тил бирлигидан асарида кенг ва ўринли фойдаланишга ҳаракат қилган. Зид маъноли сўзлар жумласига *жаннат-тамуғ* (дўзах), *пок-мунажжас* (нопок, ифлос), *дўст-душман*, *соғ* (ўнг томон)-*сўл* (чап томон) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Мисол:

*Кўргузурса соғ ёна йўл сенга, Сен анинг сўзин эшитма, сўлга кет* [4, 128]. Маълумки, зид тушунчаларни ифода этувчи сўзлар бадий адабиётда тазод санъатини воқелантиради. Сайфи Саройи куйидаги байтда *ориф* ва *жоҳил* сўзларини зидлантириб, тазод бадий санъатининг гўзал намунасини яратган:

*Ориф* билан ўлтурмоқ жоҳилга эрур зиндон,

*Жоҳил* билан ўлтурмоқ орифга жаҳаннамдур [4, 122].

Байтда қўлланган *ориф* сўзи арабий бўлиб, *илм билан ахлоқий етукликка эришган шахс, маърифатли, билимдон, доно* маъноларини ифодалайди [4, III, 69]. *Жоҳил* сўзи ҳам арабий бўлиб, унинг луғавий маъноси *жаҳолатда қолган, илм-маърифатдан маҳрум; қолоқ, маданиятсиз, нодондир* [5, II, 54]. Шоир донолик ва нодонлик белгиларига эга икки кишининг ҳолатини зидлантириш орқали уларнинг муҳим жиҳат ва фазилатларини ёрқин акс эттирган. Шоир омонимлардан ҳам моҳирона фойдаланиб, тажнис бадий санъатининг гўзал намуналарини яратган:

Кузатур ўзга айбин – сен ани кўр,

Магар ўз айбина дойим кўзи кўр [4, 122].

Шеърнинг мазмуни куйидагича: сен атрофингдаги кишиларга боқ, уларга назар сол, уларни кўр. Уларнинг табиати жуда қизиқ эканлигига амин бўласан. Эътибор берсанг, уларнинг бари бошқаларни кузатиб, ўзининг эмас, балки ўзгалар айби ва хатосини топишга ҳаракат қилади. Ўз айби ва хатосини эса умуман билмайди, билишни ҳам истамайди, уни “кўзи кўрмайди”, тан олмайди. Байтнинг биринчи мисрадаги умумтуркий *кўр* сўзи *кўр*(моқ), *назар ташламоқ* маъносини, иккинчи мисрадаги форсий *кўр* сўзи эса “кўрмайди, кўриш қобилияти йўқ, кўриш органи ишламайдиган, сўқир” маъносини ифодалайди. *Кўр I* феъл, *кўр II* сифат туркумига оид. Шаклан бир хил, бироқ бошқа-бошқа маъноларни ифодаловчи мазкур омонимлар тажнис бадий санъатини юзага келтиришга, нозик сўз ўйинини амалга оширишга имкон берган.

Айтилганидек, Сайфи Саройи шеърларида турли бадий санъатлардан фойдаланган. Масалан, у “Эрур” радиопла газалида маъшуканинг зулфини сунбулга, юзини гулзорга ўхшатиб, ташбих бадий санъатини воқелантиришга ҳаракат қилган:

Дилбаримнинг *зулфи сунбулдек, чехраси гулзор* эрур,

Бўйина ошиқ санубар, юзина гул, зор эрур [4, 142].

Сайфи Саройи шеърларидан бирида дунё адабиётини гулзор, чаманзор бир боққа қиёс этади ва жаҳон шоирларини икки гуруҳга ажратиб кўрсатади. Биринчи гуруҳга чин, истеъдодли, маҳоратли шоирларни киритади ва уларни адабиёт гулшанининг булбуллари деб атайди. Иккинчи гуруҳга эса истеъдодсиз, мансаб, мартаба ва манфаат илинжида зўрма-

## TILSHUNOSLIK

зўраки ижод қилувчи шоирларни киритади ва уларни адабиёт гулзорига адашиб кириб қолган зоғ (қарға)лар дейди.

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,  
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ [4, 118].

Англашиладики, шеърда арабий булбул ва форсий зоғ сўзлари кўчма маънода қўлланган. Мумтоз адабиётда булбул сўзи аксарият ўринларда *ошиқ* мажозий маънода ифодаланган бўлса, Сайфи Саройи мазкур сўзни *истеъдодли шоирлар* кўчма маънода қўллаган. Зоғ сўзи эса шеърда *истеъдодсиз шоирлар* мажозий маънони ифодалаб келган. Аёнки, булбул сайраганда унинг ёқимли овозидан киши дили завққа тўлиб, беҳад роҳатланади. Зоғнинг хунук овози эса дилни хира қилиб, кишида ёмон фикрлар уйғотади. Байтдаги булбул ва зоғ сўзлари метафоралар бўлиб, шоир улар воситасида истиора бадиий санъатини воқелантирган. Бундан ташқари шоир мазкур сўзлардаги маъно белгилари, чунончи, булбул сайрашидаги ёқимлилик, чиройлилик ва зоғ овозидаги ёқимсизлик, хунуклиликни ўзаро зидлантирилиб, тазод бадиий санъатини ҳам юзага келтирган. Аёнки, *емоқ* сўзининг ўз луғавий маъноси *таом истеъмол қилмоқ, овқатланмоқ*дир [5, II, 9]. Шоир мазкур сўздан кўчма маънода, яъни *ўлдирмоқ, ҳалок этмоқ* мажозий маънода фойдаланган:

Эй неча бекни, маликни ўйла ебдур бу жаҳон,  
Ким, алардан ер юзинда қолмади зарра нишон [4, 115].

Мазмуни: бу жаҳонда биздан олдин жуда кўп бек ва малик (султон, подшоҳ, ҳукмдор)лар бўлган, яшаб ўтган, вафот этган, уларни жаҳон “еган”, улардан ҳозир заррача ҳам нишон қолмаган. Шеър мазмунидан англашиладики, шоир бек ва маликларга панд-насиҳат қилиб, уларга бу ўткинчи дунёда фақат эзгу ва хайрли ишлар қилиш зарурлигини ва ёлғиз шу йўл орқалигина жаҳонда яхши ном қолдириш мумкинлигини уқтиради. Шоирнинг куйидаги байтида умумтуркий юк сўзи мажозий маънода қўлланган:

Бир кишидан доимо кўриб сахо,  
Умр боринча юкун чексанг раво [4, 117].

Маълумки, юк сўзининг ўз луғавий маъноси *бир ердан иккинчи ерга кўтариб, ташиб борилиши лозим бўлган оғирлик* [5, IV, 80] бўлиб, шоир мазкур сўзни кўчма – *ташвиш* маъносида қўллади. Шоир айтмоқчи, бир киши сенга сахо, яъни сахийлик, кўли очиқлик ва жўмардлик қилса, сен унинг сахийлигидан мунтазам баҳраманд бўлсанг, сен ҳам унга муносиб бўлиб, умринг охиригача унинг “юки”, яъни ташвиши билан яша, унга яхшилик қил, унинг сахийлигига яхшилик билан жавоб қайтар.

**Хулоса.** “Гулистони бит-туркий” асари гарчи бадиият нуқтаи назардан юқори даража ва қийматдаги адабий мерос бўлмаса-да, айрим жиҳатларига кўра жуда аҳамиятлидир. Унинг аҳамиятли томони шундаки, биринчидан, асар мазмунига умуминсоний ғоялар чуқур сингдирилган бўлиб, бу ғоялар неча асрлардан бери кишиларни эзгулик ва яхшиликларга ундаб келмоқда. Иккинчидан, ўзбек адабий тилининг XIV асрдаги тараққиёт босқичи хусусида, шу даврнинг тил хусусиятлари бўйича аниқ, тўғри ва атрофлича хулосаларга келишда, алоҳида таъкидлаш ўринлики, асар жуда муҳим ёзма манбалардан биридир. Мазкур даврга оид бу каби ёзма ёдгорликликларнинг кўп эмаслиги барчага маълум. Алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек адабий тили тарихида муҳим ўринга эга ушбу ёзма манбанинг тил хусусиятлари, истеъдодли шоир ва таржимон Сайфи Саройининг ўзбек адабий тили тараққиётидаги хизматлари ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилмаган. Шоирнинг назарда тутилган асарини турли аспектларда ўрганиш ўзбек тилшунослиги учунгина эмас, балки туркология учун ҳам аҳамиятлидир.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Ishoqov Yo.** So'z san'ati so'zligi. - T.: O'zbekiston, 2014. - 319 b.
2. **Mahmud Koshg'ariy.** Devonu lug'otit turk /Tarjimon va nashrga tayyorlovchi S.M. Mutallibov. I-III. - T.: Fan, 1960-1963. T. I. 1960. - 499 b. T. II. 1961. - 427 b. T. III. 1963. - 461 b.
3. Navoiy asarlari lug'ati. (Tuzuvchilar: P. Shamsiev, S. Ibrohimov). - T.: G'afur G'ulom, 1972. - 782 b.
4. **Sa'diy Sheroziy.** Hikmatga to'la olam /Nashrga E. Ochilov tayyorlagan. - T.: Sharq, 2007. - 255 b.
5. O'zbek tilining izohli lug'ati. I-V. - T.: O'zbekiston milliy entsiklopediyasi, 2006-2008. T. I. 2006. - 680 b. T. II. 2006. - 672 b. T. III. 2007. - 688 b. T. IV. 2008. - 608 b. T. V. 2008. - 592 b.
6. O'zbek shevalari leksikasi. - T.: Fan, 1966. - 453 b.
7. O'zbek xalq shevalari lug'ati. - T.: Fan, 1971. - 407 b.